

## **ОИВ/ОИТС бутун дунё болалари учун катта хавф туғдирмоқда: Жаҳондаги вазият**

- ОИВ/ОИТС нафақат катталарга, балки болалар ва ёшларга ҳам таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳаётлари барбод бўлмоқда.
- Ҳар куни, ҳар сонияда, 15 ёшга тўлмаган бир бола ОИТС туфайли ҳаётдан кўз юммоқда. Биргина 2004 йилнинг ўзида 500 мингдан зиёд болалар шу тариқа ҳаёт билан видолашдилар \*.
- Ҳар 15 сонияда ОИВ инфекциясига эга, ёши 15 билан 24 нинг ўртасида бўлган бир ёш инсон ҳаётдан кўз юммоқда. Бу дегани, ҳар куни 5 мингдан зиёд ёшлар шу тариқа вафот этмоқдалар.
- Ҳар йили, 15 ёшга тўлмаган болаларнинг 600 000 дан кўпи ОИВ инфекциясини юқтириб олмоқдалар\*\*.
- ОИТС туфайли 15 миллионта бола ё отаси, ё онаси, ё уларнинг икковидан ҳам жудо бўлдилар.
- Ушбу касаллик туфайли яна миллионлаб болалар ўз болалакларидан маҳрум бўлмоқдалар. Чунки улар мактабга бориш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ёки кераклигича озиқ-овқат билан таъминланиш бахтидан маҳрумлар.

**\*Манба: ОИТС вабоси бўйича йиллик ҳисобот, 2004 й.(UNAIDS)**

**\*\*Манба: ОИТС вабоси бўйича ҳисобот, 2004 йил, декабрь (UNAIDS)**

ОИВ/ОИТС нафақат Африка минтақаси аҳолисига, балки ер юзининг барча нуқталаридаги инсонларга таъсир этади.

Шарқий Европа ва Марказий Осиёда ОИВ инфекциясига эга бўлганлар сони бошқа минтақаларга нисбатан кам бўлса-да, лекин бу кўрсаткич ўтган бир неча йил мобайнида тез суръатлар билан ўсган. Бундай инсонларнинг 80% дан кўпроғини 30 га тўлмаган ёшлар ташкил этади. Аниқ рақамлар маълум бўлмаса-да, UNAIDS нинг огоҳлантиришича, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда ОИТС бошқа минтақалардагига нисбатан тезроқ тарқалаётган бўлиши мумкин.

Вабонинг тарқалишига томирга юбориш орқали наркотик қабул қилиш катта таъсир кўрсатмоқда. Аммо инфекциясининг жинсий йўл билан юқиши ҳолатлари борган сайин кўпроқ учрамоқда. Аёллар ва қизлар хавф остида дейилса муболаға бўлмайди. Янги ОИВ ҳолатларининг тез ўсиб бораётган қисми айнан уларга тегишли.

Инфекция мавжудлиги ҳолатларининг аксарият қисми Россия ва Қозоғистонга тўғри келади, лекин Ўзбекистонда ҳам айнан шундай ҳолат кузатилмоқда.

## **ОИВ Ўзбекистонга ўз таъсирини кўрсатмоқда Мамлакатдаги вазият**

Ўзбекистонда ОИВ инфекциясига чалинганлар сони у қадар кўп бўлишига қарамасдан, бу кўрсаткич тез ўсиш тенденциясига эга.

ОИВ инфекцияси юқиши ҳолатларининг аксарият қисми томирга юбориш орқали наркотик қабул қилувчиларга тўғри келиб, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги хатарли ҳаракатларни амалга ошириш, масалан, битта игнадан кўпчилик бўлиб фойдаланиш, ҳимоя қилинмаган жинсий алоқага киришишдан тоймайди (UNAIDS,2004). Наркоманияга лаънат тамғаси қўйилиши янги бошловчилар

томонидан наркотик моддалар қабул қилинишининг олдини олади ва инфекция тарқалишини тўхтатишда ёрдам беради.

ОИВ инфекциясининг жинсий йўл билан юқиши ҳолатларининг ўсиб бориши ОИВнинг оддий аҳоли ўртасида тарқалиши хавфининг катталигидан далолат беради. Бунга сабаблардан бири ёшлар ОИВ тўғрисида етарли билимга эга эмаслигидадир.

Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ОИВ/ОИТС тўғрисида тушунчага эгалик даражаси юқори - 100% ёшлар ушбу касаллик тўғрисида эшитганлар. Аммо уларнинг:

- 40 фоизи ОИВ қандай юқишини билмайдилар.
- 23 фоизи презервативлардан фойдаланиш инфекция юқиши хавфини камайтиришини билмайди. 25 фоиздан озроғи ОИВ юқишининг олдини олишнинг 3 усулини тўғри айта олади.
- 60 фоиздан кўпроғи ОИВ бўсалар орқали, бир идиш-товоқдан фойдаланиш ва чивин чақиши орқали юқиши мумкин деб ҳисоблайди.
- 55 фоизи инсоният ОИВдан ҳимояланиш учун ҳеч нарса қила олмайди деб ҳисоблайди.
- 23 фоизи ОИВ инфекциясига эга инсонни бир қарашда билса бўлади деб ўйлайди.

**Манба\*:** “Аҳолига халқаро хизматлар” ташкilotи ҳисоботи, декабрь, 2004 й. Тошкент, Самарқанд, Термиз шаҳарларида ва Фарғона водийсида сўров ўтказилган.

## **Нима учун ОИВ билан касалланганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади?**

Кўпчилик ёшлар уларга ОИВ/ОИТС дан ҳимояланишга ёрдам берувчи маълумотлар ва хизматлардан фойдаланиш имконига эга эмаслар.

Кўпчилик ёшлар тижорат секс хизматларидан фойдаланиш хавфи тўғрисида маълумотга эга эмаслар.

Кўпчилик ёшлар томирга юбориш орқали наркотик қабул қилиш ва ОИВ хавфи ўртасидаги ўзаро алоқа хусусида маълумотга эга эмаслар.

Кўпчилик ёшлар ОИВ инфекциясига эга бўлган наркоманларни бир қарашда билиб олса бўлади деб ўйлайдилар.

Ёшларнинг кўпчилиги наркоманлар билан ҳимоя қилинмаган жинсий алоқага киришиш жуда хавфли эканлигини билмайдилар.

Кўпчилик ёшлар ОИВ/ОИТС масалаларини ўз дўстлари билан муҳокама қилишни ноқулай ҳисоблайдилар (жавоб берганларнинг тўртдан бири), бу мавзунини ўз оила аъзолари билан муҳокама қилиш янада ноқулай ҳисобланади (ҳар ўнтадан бири).

Ёшларнинг аксарият қисми презервативлардан тўғри фойдаланишни билмайдилар ва ўз шериклари билан уни қўллаш ҳақида сўз очишни ноқулай ҳисоблайдилар.

## **Ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш: Глобал кампания**

Ушбу йўналишдаги бутунжаҳон ҳаракати ва миллий ҳаракатларнинг мақсади болалар ва ёшлар масаласини ОИВ/ОИТС бутунжаҳон муҳокамасининг марказига қўйишдан иборат. Шунингдек, касаллик тарқалиши, унинг таъсирини камайтириш ва унинг таъсирида зарар кўрганларга ёрдам бериш ҳам ҳаракат мақсадларидан ҳисобланади.

ЮНИСЕФнинг «БОЛАЛАР УЧУН ОИТСга ҚАРШИ КУРАШДА БИРЛАШИНГ» ҳаракатининг мақсади ОИВ/ОИТСдан зарар кўрган болаларга ҳимоя, қўллаб-қувватлаш ва қаровни таъминлашдан иборат. Ҳаракат БМТнинг турли бўлинмалари, турли мамлакатларнинг ҳукуматлари, халқаро ҳамжамият ва фуқаролик жамиятини мавжуд ҳолатни ўзгартириш йўлида бирлаштиради. Бу болалар масаласини кун тартибига қўйиш, болалар ҳолатига эътибор беришга ва болалар эҳтиёжларини қондиришни тезлаштиришга чорлаш орқали амалга оширилади. Ҳаракат томонидан тўртта асосий йўналишлар белгиланган:

#### Онадан болага инфекция юқишининг олдини олиш

Ҳар йили 15 ёшга тўлмасдан ОИТС билан боғлиқ касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмаётган ярим миллиондан зиёд болаларнинг аксарияти инфекцияни ўз оналаридан юктириб олганлар. Айни вақтда, ҳомиладор аёлларнинг 10 фоиздан озроғи ўз фарзандларига инфекция юқишининг олдини олувчи муолажалардан фойдаланиш имкониятига эгалар.

#### Педиатрик муолажа билан таъминлаш

ОИВ инфекциясига эга, ОИТС бўйича педиатрик муолажага муҳтож болаларнинг 5 фоиздан озроғи бундай муолажа қабул қилмоқдалар. Бу дегани, муолажа олмаётган болалар ушбу касалликдан тезроқ нобуд бўладилар. Болалар махсус муолажа ва қаровга муҳтожлар.

#### Инфекция ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш

ОИВ/ОИТС тарқалишини тўхтатишнинг ягона йўли ҳимоя ва унинг олдини олишдан иборат. Аммо турли мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аксарият ёшлар ОИВ қандай тарқалиши ва ўзларини ОИВдан қандай ҳимоя қилиш хусусида ҳеч нарса билмайдилар. Ёшлар ёрдам, маслаҳат ва ёшлар учун махсус хизматларга муҳтожлар.

#### ОИВ/ОИТС дан зарар кўрган болаларни ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш

Болалар ўз ота-оналаридан бирининг қаттиқ касал ёки ўлим тўшагида ётишини кўришдан доимий даҳшатга тушадилар. Кейин, улар зиммасига ўз касал ота-оналари ёки ука-сингилларини ўз қаровларига олиш вазифаси тушганда ва бунинг учун пул ёки егулик топиш зарур бўлганда, янада мушкул аҳволга тушадилар. Хавф гуруҳидаги етим болаларнинг 10 фоиздан озроғи давлат кўмагидан фойдаланади. Улар соғлиқни сақлаш, таълим каби хизматларга ва давлат томонидан кўрилаётган чоралар ва қонунчиликнинг такомиллаштирилишига муҳтожлар.

Дунё ҳамжамияти болалар масаласини ОИВ/ОИТС кун тартибининг марказига қўйиш ва ОИТСдан ҳоли авлодни таъминлаш учун ҳозир чора кўриши керак.

## **Ёшларнинг фикрларига эътибор бериш зарур**

ОИВ/ОИТС га қарши курашда ёшларнинг овози эшитилмай қолмоқда. Одатда, стратегиялар ишлаб чиқилганда, чоралар тайёрланганда ва маблағлар бўлинганда улар эътибордан четда қоладилар. Болалар масалалари бўйича қарор қабул қилувчилар, ҳукуматлар, фармацевтик компаниялар, академик институтлар ва ОИВ/ОИТС масаласи билан шуғулланувчи маҳаллий гуруҳлар эътиборидан четда қолган.

ОИТС масаласи бўйича жаҳон кун тартибида болалар ўзларига хос доимий ўринларига эга бўлишга ҳақлидирлар. Жаҳон ҳамжамияти ва мамлакатлар ОИВ/ОИТС болаларни ўз болаликларидан жудо қилаётганини тушунишлари керак.

## **Кампания нима қила олади: Сен қандай ёрдам бера оласан?**

Миллий кампания шундан келиб чиқадики, ёшларнинг жуда кўпчилиги уларга ОИВ/ОИТС дан ҳимояланишда ёрдам бериши мумкин бўлган маълумот ва

хизматлардан фойдаланиш имконига эга эмаслар. Шунинг учун мазкур кампания куйидагиларни амалга оширади:

- Маълумот ва билим тарқатиш.
- Мактаб ва ҳамжамиятлар миқёсида ҳаёт кўникмаларини тадбиқ этиш.
- Ёшлар учун махсус марказлар ва хизматлар ташкил этиш.
- Ёшлар орасидан мутахассисларни тайёрлаш ва “тенг-тенгга” услуги бўйича машғулотлар ўтказиш.
- Маслаҳат берувчи ва ташхис қўювчи муассасалар ташкил этиш.
- Ёшлар орасида инфекция юқиши йўллари бўйича маълумотга эгалик даражасини ошириш йўналишда иш олиб бориш
- Барча хавф гуруҳлари, жумладан, инъекцион наркоманлар, шахвоний тижоратчилар ва уларнинг мижозларини жалб этиш.
- Одамларга шахвоний тижорат хавфлари тўғрисида маълумот бериш ва бундай хизмат кўрсатувчиларга боришдан қайтариш.
- Аёлларни, айниқса қизларни жинсий алоқа шерикларидан ОИВ юқтириб олиш хавфи хусусида хабардор қилиш.

ОИВ/ОИТС тарқалишини тўхтатишда болалар жуда ҳам самарали ҳамкор ҳисобланнадилар. Бундан ташқари, болалар келажак авлодни ҳимоя қилиш йўлида ўз ҳатти-ҳаракатларини ўзгартиришга кўпроқ мойил бўладилар.

Биз сизлардан ўз маҳаллий сиёсатчиларингизга, маҳалла қўмиталарига, аёллар кенгашларига мурожаат қилиш ва уларнинг барчалари билан ОИВ/ОИТС масаласи ва бу муаммо юзасидан нима қилиш мумкинлигини муҳокама қилиш орқали ўз ёрдамингизни беришингизни истаймиз.

Ўз дўстларингиз ва ҳамкасбларингизни ушбу кампанияни қўллаб-қувватлашга чақиринг. Барча инсонлар, ҳозирда ОИВ/ОИТСдан миллионлаб болалар зарар кўраётганлиги ва бу муаммо дунё бўйлаб ўсиб бораётганлигини билсинлар.